

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
O'ZBEKISTON NEFT MAHSULOTLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI

«O'ZDAVNEFTGAZINSPEKSIYA»

Б У Й Р У Қ № 44 – и/ч

2018 йил 9 апрель

Тошкент шаҳри

**“Инспекциянинг 2017 йил 17 январдаги
9-сон буйруғига ўзгартириш киритиш” тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни ва Ўзбекистон Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сон қарори ижросини “Ўздавнефтвазинспекция” тизимида давом эттириш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.
2. “Ўздавнефтвазинспекция” тизимида коррупцияга қарши курашиш ва кадрларни танлаш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ишчи гуруҳ аъзоларининг вазифалари 2-иловага асосан тақсимлансин.
4. Ишчи гуруҳ ўринбосари ва котиби (Маҳаматов, Каримов)ларга:

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган Давлат дастурини бандларини бажарилишини инспекциянинг барча бўлимларида қатъий назоратга олинсин;

инспекция фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, тизимнинг самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мунтазам равишда йиғилишларда танқидий муҳокама этиб борилсин;

инспекция фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йул қўймаслик чораларини кўриш юзасидан ходимлар ўртасида доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилсин;

инспекция ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказиб бориш тизими йўлга қўйилсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини кўриб чиқишида коррупцияга қарши ҳолатларга йул қўйилмаслик чоралари кўрилсин;

инспекциянинг штат жадвали бўйича вакант ўринларга мутахассисларни белгиланган тартибда қабул қилиш жараёнида очиқлик ва ҳолисликни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ сўхбатидан ўтказиш ишларига қатъий амал қилинсин;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва

қўшимчалар асосида инспекция дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар мунтазам равишда янгилаб борилсин;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича инспекцияда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Республика Бош прокуратурасига ахборот тақдим этиб борилсин.

5. Кадрлар билан ишлаш ва махсус ишлар бўлими (Бердиев)га:

инспекциянинг штат жадвали бўйича вакант ўринларга мутахассисларни қабул қилишда уларни белгиланган тартибда ишчи гуруҳ суҳбатидан ўтганидан сўнг хужжатларни расмийлаштириш тизими давом эттирилсин;

марказий ва ҳудудий бўлимларнинг ходимлари этикаси, ишга келиш ва кетиш вақтлари иш жойида ўзини одобли тутиши ҳамда иш вақтида нима иш билан шуғулланаётганлигини устидан доимий равишда назорат олиб борилсин ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан раҳбарга мунтазам ахборот киритиб борилсин.

6. Таҳлилий маълумотларни жамлаш, ижро интизомини назорат қилиш ва ахборот хизмати бўлими (Джуроев)га:

Ишчи гуруҳ тавсиясига асосан соҳа бўйича инспекциянинг фаолиятига оид мақолалар ва бошқа маълумотларни веб-сайтга жойлаштириш бориш, шунингдек улар бўйича хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистан Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Миллий Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда материалларни оммавий ахборот воситалари тизими орқали ёритиб бориши таъминлансин.

7. Н.Махмудов – бошлиқ ўринбосари, К.Бердиев – кадрлар билан ишлаш ва махсус ишлар бўлими, Ж.Бойбоев – марказий инспекторлик бошқармаси бош технологи, Қ.Норқузиёв, А.Фозилов, Д.Каримов, З.Убайдуллаев – марказий инспекторлик бошқармаси гуруҳ бошлиқлари, О.Джуроев – Таҳлилий маълумотларни жамлаш, ижро интизомини назорат қилиш ва ахборот хизмати бўлими бошлиғи, М.Ҳамидов – АКТни тадбиқ этиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи, Р.Махаматов – Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, М.Машарипова – юрисконсулт, ҳудудий бўлимлар бош технологлари (Убайдуллаев, Таджибаев, Махмудов, Эргашев, Мардонов, Аминов, Ахмедов, Махсумов, Ўролов, Муҳаммадиев, Темиров, Бекчанов, Тулаев, Агзамов, Исмоилов)га:

“Ўздавнефтгазинспекция” томонидан 2018 йилда коррупциянинг олдини олишга доир ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасини муддатда бажарилиши таъминлансин;

“ишонч телефони” орқали жисмоний ва юридик шахслар томонидан инспекциянинг ходимлари бўйича мурожаатлар келиб тушганда зудлик билан унинг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар кўрилсин ва раҳбариятга ахборот киритилсин;

ҳудудий бўлимлар штат жадвали бўйича вакант ўринларга мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилишда уларнинг малакаси, касбий маҳорати ва тажрибасини ўрганиб чиқиб, ишчи гуруҳга расмийлаштирилган хужжатлар билан тавсиялар киритиб борилсин;

инспекциянинг фаолиятига оид мақолалар ва бошқа маълумотлар бўйича хизматлар кўрсатиш тизимига жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича материалларни кўриб чиқиш учун ишчи гуруҳ (Ҳамидов)га тақдим этилсин;

мунтазам равишда ҳудудий бўлимдаги ҳолатни чуқур таҳлил қилган ҳолда коррупцияни келиб чиқишини олдини олиш, уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳар ойнинг 5 санасига имзоланган равишда инспекциянинг ишчи гуруҳи котиби (Каримов)га ахборот берилсин;

ушбу буйруқни бўлимнинг барча ходимлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинсин ва амалга оширилган ишлар юзасидан гуруҳ аъзоси (Бердиев)га маълумот имзоланган равишда тақдим этилсин.

8. "Ўздавнефтогазинспекция"нинг 2017 йил 30 январдаги 09-и/ч-сон буйруғини 2 банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Таҳлилий маълумотларни жамлаш, ижро интизомини назорат қилиш ва ахборот хизмати бўлими (Джураев)га: ушбу буйруқни ижро этиш учун марказий аппарат, марказий инспекторлик ва ҳудудий бўлимларга етказилсин.

10. Мазкур буйруқ бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошлиқ

Н.Агзамов